

- ҳаракат бир зумда бажарилиши, жуда қисқа вақт ичида юз бериши маъносини;
- иш-ҳаракат бошқа одам учун бажарилиши назарда тутилиши маъноси;

- ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини, тасодиф, қутилмаганда рўй бериши маъносини, шунингдек, ҳаракатнинг вақти ғаниматда бажарилиши маъноси.

Адабиётлар

1. Чжан Хо Чжон, Е.С.Малик. Категории вежливости в корейском языке. Анализ часто допускаемых ошибок//Вестник НГУ. Серия: История, филология. 2007.
2. Хожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар.- Т.: “Фан”, 1966.
3. 한국어 선생님과 함께하는 TOPIK 한국어 문법 1. -서울: 주식회사고시기획, 2016.
4. 백봉자. 외국어로서의 한국어 문법 사전. -서울:연세대학교 출판부, 2001.
5. 서정수.국어 문법.-서울: 한양대학교 출판원, 1966.
6. 손세모돌.국어 보조용언 연구.-서울:한국문화사,1996.
7. 박선옥. 국어 보조동사의 통사와 의미 연구. -서울: 역락 도서출판, 2005.
8. 김문옥, 김춘식.새 한러 사전 (Новый корейско-русский словарь). -서울:도서출판 베를기획, 2000.
9. 최현섭, 김국태, 서현석, 이수진, 이정숙, 윤정하, 제혜숙. 내 말에 상처 받았니? - 서울: 커뮤니케이션북스, 2005.
10. 신개정. 외국인을 위한 한국어 문법. -서울: 연세대학교 출판부, 2003.
11. 현길연.제주도 이야기 1.서울: 장비아동 문고, 1984.
12. ko.dict.never.com
13. m.blog.naver.com>moung5532

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада корейс тилидаги “주다” [chuda] феъли ва унинг ҳурмат шакллари ифодадашдаги ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Шу билан бирга “주다” феълнинг кўмакчилик маънолари мисоллар орқали таҳлил қилиниб, янги маънолари аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается глагол «주다» [chuda] и особенности его использования в формах уважения. Автор статьи также анализирует примеры глагола “주다” [chuda] в его вспомогательном значении.

SUMMARY

The article discusses the verb “주다” [chuda] and its features when using in the forms of respect. The author of the article also, analyzes examples of the verb “주다” [chuda] in its auxiliary meaning.

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ МАЗМУНИНИНГ ЛИНГВОДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Юсупов – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Г.Юсупова – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сузлар: сиёсий, маданий, таълим бериш, фонетик машқлар, мутлақо мустақил, она тилида равон, машқ, топшириқ, савол, нутқий компетенция, урғу.

Ключевые слова: политический, культурный, обучение, фонетически упражнения, абсолютно независимый, свободно владеть родным языком, упражнение, задание, вопрос, композиция речи, ударение.

Key words: political, cultural, teaching, phonetic exercises, absolutely independent, to master the native language, exercise, task, question, speech composition, emphasis.

Кейинги йилларда ўзбек тилининг ижтимоий аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Айниқса, давлат тилининг халқаро микёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборга лойиқдир. Илгари у кўпроқ “она тили” сифатида ўрганилган бўлса, энди “давлат тили” ва “иқкинчи тил” сифатида ҳам ўрганилмоқда. Бу ҳолатлар эса Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан сиёсий, маданий, иқтисодий муносабатлари доирасининг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳозирги кунда ўзбек тили жаҳоннинг бир қатор, жумладан, Россия, Украина, АҚШ, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, умумий ўрта таълим мактабларининг “Ўзбек тили” дарсликларида оддий фонетиканинг ўрганилиши айрим ҳолатларни таъриф ва тавсифлаш билан чегараланиб қолмоқда. Ҳолбуки, ўзбек тилининг фонетик қурилиши жуда мураккаб бўлиб, уни ўзлаштириш нафақат хорижликлардан, балки ўзбеклардан ҳам катта чидам ва сабот билан ишлашни талаб қилади.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳ (синф)ларда ўқувчиларга нафақат нутқ органлари, шунингдек товушлар талаффузи ҳолати акс этган махсус чизмалар асосида таълим бериш, фонетик машқларга, имкони борича, бошланғич синфларда кўпроқ ўрин ажратиш, юқори синфларда уларга ўрни

билан қайтиб туриш адабий тил меъёрларини эгаллашнинг муҳим омили эканлигини таъкидлаш лозим.

Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугунда тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин [1:15]. Ўрта мактаб “Ўзбек тили” дарсликларида ҳам, олий таълим “Ўзбек тили” дарсликларида ҳам негадир ўқув топшириқлари алоҳида тадқиқ этилмайди. Бу ҳолат ўзбек тили адабий талаффуз меъёрларининг бузилишига олиб келаётган сабаблардан биридир.

Таълим мазмуни масаласи инсоният тарихида энг қадимий ва айни вақтда энг долзарб масалалардан бири саналади. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки инсонлар тараққиётнинг барча давларида ҳам «Нимани ўқитиш керак?» деган муҳим саволга ҳамиша жавоб излаб келган ва бу жараён давом этмоқда. Таълим мазмуни тушунчаси турлича талқин қилинади. И. Я. Лернер ва М. Н. Скаткин каби айрим олимлар таълим мазмуни деганда ўрганиш учун танланган ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун методик жиҳатдан ишланган бой ижтимоий тажрибанинг бир қисми сифатида тушунса, бошқа бир гуруҳ олимлар бу тушунча билан уни ўрганиш усуллари ҳам тушунишади.

Таълим мазмуни ўқув режалари, дастури ва дарсликлар ҳамда ўқув-тадрисий (методик)

қўлланмаларда ўз ифодасини топади. Она тили дастури ва дарсликлар ўқувчиларнинг ўрганишлари учун танланган ва уларнинг ўзлаштиришларига мувофиқлаштирилган тил материалларини ўз ичига олади. Адабиётларда «ўқув материали» тушунчаси билан бирга «ўқув топшириқлари» атамаси ҳам кенг қўлланилади. Ўқув материали кенг ва тор маънода қўлланади. Кенг маънода «таълим мазмуни» тушунчасига тенг бўлса, тор маънода маълум даражада ўрганилиши керак бўлган ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига мослаштирилган билим ва малакалар тизимидир. Ўқув топшириқлари мавзунини мустақамлашда, уни ўзлаштиришда хизмат қилувчи ўқув материали ҳисобланган машқ, топшириқ ва савол кабиларни ўз ичига олади.

Ўзбек тилига давлат тили макомининг берилиши она тилига бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Таълим мазмуни янгиланди, мазкур соҳада қилиниши керак бўлган ишлар қўлаи белгилаб олинди. «Шу кунгача *ҳеч ким* бошланғич синфларда ва ундан кейинги босқичларда ўқиётган ўқувчиларга *қайси синфда нимани* ўқитиш мақсадга мувофиқлигини илмий нуқтаи - назардан асослаб берган эмас» [1:13]. Мактаб таълими тарихида нимани ўқитиш ва қандай ўқитиш масалалари асосий муаммолардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда» [5].

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида бир қатор дарсликлар яратилди. Ўзбек тили дарслик ва қўлланмаларида бериладиган ўқув материаллари ҳам янги шакл ва мазмун касб этди. Шу билан бирга давлат тилини ўқитишда жиддий камчиликлар, мулоҳазаталаб ўринлар ҳам йўқ эмас. Шунча йил ўтган бўлишига қарамаддан ўзбек тили таълими таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳ ёки синфларда ўқув топшириқлари мазмуни сезиларли ўзгармаяпти.

Ўзбек тилини таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда ўқитилишига доир Х.Мухитдинова, А.Рафиев, И.Мирзаев, М.Болтаев кабилар рус гуруҳлари учун; М.Бўронов, Ш. Юлдашева ва Д. Кабуловалар эса қорақалпоқ тили гуруҳлар учун бир қатор илмий-методик тадқиқотлар олиб борган. Бироқ замон шиддат билан ривожланаётган айни пайтда яратилган дарслик, методик қўлланма ва методик тавсияларда ўқув топшириқлари мазмунини такомиллаштириш, замонавийлаштириш зарурати мавжуд.

Яратилган дарслик, методик қўлланма ва методик тавсияларда ўқув топшириқлари, уларнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратилмайди, яъни машқ ва топшириқлар, саволлар мазмуни замон талаблари даражасида эмас. Ўқув топшириқлари ўқувчи ва талабаларда нутқий компетенцияни тўла шакллантира олмаяпти. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилини таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда ўқитилиши билан боғлиқ тизимли тадқиқот педагогика фанлари доктори, профессор Х.Мухитдинова томонидан олиб борилмоқда.

Ўзбек тили ўқитиш методикасида инновацион ёндашувлар қўлланилаётган бўлса-да, тил ўқитишнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлади. Жумладан, ўзбек тилини ўрганувчининг ўз тилига қиёслаб ўқитиш бугунги таълим жараёнида фаол қўлланилмаяпти. Агар ўзбек тилини рус ёки қорақалпоқ ё бўлмаса тожик тилига қиёслаб тушунтирилса, айтайлик фонетика мавзусида, сўзларнинг талаффузини солиштириш ниҳоятда самарали бўлади.

Шу ўринда Ғ.Ҳамроевнинг дарс жараёнида машқ ва топшириқни бир-биридан дидактик жиҳатдан фарқлаш ҳақидаги назариясига тўхталиш жоиз. Ўқув топшириқларининг ўзбек тили ўқитиш амалиётида ҳам, асосан, икки кўриниши қўлланилади. Машқлар ва топшириқлар. Дарҳақиқат, ўзбек тили дарслик ва

қўлланмаларида ҳам такрорга асосланган машқлар деярли учрамайди. Топшириқлар мазмуни ҳам хорижий тиллар ўқитиш амалиётидаги каби кўникма ва малакани шакллантиришга тўла ихтисослашмаган. Машқ ва топшириқлар, умуман, ўқув топшириқлари билим ҳосил қилишдан кўра нутқий компетенцияни шакллантиришга мўлжалланиши лозим. Ўзбек тили ўқитишда бошланғич машғулот талаффуз машқлари бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунда ўқитувчи, албатта, машқ жараёнини такқослаш, қиёсий талаффузга таянган ҳолда ташкил этиши лозим. Кейин бошқа бўлимлар ҳам шу ёндашув асосида самарали ўзлаштирилади. Ўқувчи одатда ўз она тилига таяниб бошқа тил ёки ўқув предметларини ўзлаштиришни ёдда тутиши лозим.

Маълумки, предмет ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун уни иккинчиси билан қиёслаш ўқувчида бирдан ёркин тасаввур ҳосил қилади. Ўқувчида она тилини бошқа бир тилга қиёслаб ўргатиш энг самарали усулдир. Энди фикримизни айрим мисоллар билан асослашга ҳаракат қиламиз.

Масалан, ўқувчида «Урғу» мавзусини тушунтириш учун истаганча таъриф келтирган билан қутилган натижага эришиш қийин. Лекин ўзбек тили урғусини рус, қорақалпоқ, немис ёки бўлмаса инглиз тилларидан биридаги сўз урғуси билан солиштирсангиз, дарҳол тушунча ҳосил бўлади (бола~~лар~~, реб~~я~~та ва шу кабилар).

Демак, ўқитувчи ўзбек тили дарсида, хусусан, фонетика мавзусини тушунтиришда ўқувчида имкон қадар унинг она тилидаги зарурий билимлар билан такқосласа, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчининг такқосланаётган тилни қай даражада билиши натижага салбий ёки ижобий таъсир кўрсатади.

Дарс жараёнида икки тил товушлари такқосланади, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эгаллиги уқтирилади. Тиллар ўртасидаги фонетик фарқ ва ўхшашликлар айтилади. Мисол учун қ, ҳ, з, ў ва н товушларининг рус тилида йўқлиги, алифбодаги фарқлар, қорақалпоқ тилидаги ўзбек тили товушларига ўхшамаган товушлар талаффузи кабиларни тушунтиришда ўзбек тилига хос жаранглиларнинг айтилишда жарангсизлашуви, баъзи бурун товушларининг ҳам бошқача талаффуз этилиши каби фарқлар, умуман, товушларнинг айтилиши ва ёзилишидаги мувофиқ ва номувофиқликлар ўрни билан такқослаб борилади. Бу жараёнда ўқувчи дарснинг фаол иштирокчисига айланади, қолаверса, секин-аста қиёслашни ўзи давом эттира бошлайди. Қиёслаш – ўқувчида мустақил ишлаш кўникмасини ривожлантиради. Бу эса ўзбек тили таълимининг асосий вазифаларидан биридир. Ўқув топшириқлари ўқувчида солиштириш жараёнида ўзбек тилининг ўзигагина хос бўлган жиҳатлари ҳақида тушунча пайдо қилгач, ўқувчида бу тилни мустақил ўрганишга иштиёкни ҳам шакллантиради.

Товуш ҳар бир тилнинг ўзаги, мағзи ҳисобланади. Бинобарин, шу тарзда ўқувчи фонетикани ўрганиб олса, тилнинг кейинги сатҳларини мустақил равишда муқояса қила олади ва тилларни тез ўрганиб бораверади.

Ўзбек тили таълимининг мазмуни ва тақомилини таъминлашда фонетик машқларнинг ўрни бениҳоя катта. Чунки улар ёрдамида адабий тилда сўзлашиш, унинг ранг-баранг имкониятларидан фойдаланиш шароити пайдо бўлади.

Ўқув топшириқлари масаласи инглиз, немис, француз тили дарсликларидан анча мукамал, тўлиқ ва ранг-баранг шаклларда берилган ва эътиборга молик томони шундаки, бу жараён умумий ўрта таълим билан тугамайди, аксинча, олий таълимда ҳам давом этади.

Амалдаги ўзбек тили дарсликларининг ўқув топшириқлари мазмунини ташкил этувчи матнлар

мамлакат географияси ҳақида ўқувчи ёки талабада тўлиқ тасаввур ҳосил қилмайди. Жумладан, Қорақалпоғистон жавоҳирлари ҳисобланган “Орол денгизи”, “Элликқалъа”, “Мўйноқ” ёки дунё музейшунослигида юқори ўринда турувчи “Савицкий” номли санъат музейи ва ундаги ўта ноёб экспонатлар ҳақида қизиқарли матнлар киритилиши, бутун Ўзбекистон Республикаси ўқувчилари ҳам бу ҳақда билиши лозим. Дарслик ва қўлланмаларга киритилмаганлиги сабабли ҳатто қўллаб қорақалпоғистонлик ўқувчилар ҳам тўлиқ маълумотга эга эмас. Бу каби маълумотлар ўзбек тили дарсликларидан ўрин олувчи топшириқлар таркибидан жой олади.

Талаффуз машқлари биринчидан, ўқувчида тўғри талаффузни шакллантиради, иккинчидан, ўқувчининг дунёқарабини ҳам шакллантиришга ёрдам беради. Қолаверса, ўқитувчи бу машқдаги сўзларни намуна сифатида талаффуз қилиб бераётганда сўзларнинг маъносини ўқувчиларга тушунтиришга ҳаракат қилиб, синонимлардан фойдаланади, натижада сўз бойлигининг ҳам ошишига эришилади. Ёки талаффуз машқи тугагач, ўқувчиларнинг ўзларига ўзбекча сўзларга маъноси тўғри келувчи бошқа сўзлар топиш топшириғи берилса, мустақил ишлашга, фикрлашга олдин ўрганилганларни амалиётда қўллашга шароит яратилади.

Хусусан, ўқув топшириқларини такомиллаштиришда инглиз, немис ва француз тиллари

тажрибаларидан самарали фойдаланиш мумкин. Ўқувчи ўз фикрини гўзал ва лўнда ифода этиши учун, албатта, кенг дунёқараш, етарли сўз бойлигига эга бўлиш билан бирга халқнинг миллий руҳи сингдирилган пурҳикмат мақол ва маталларини ҳам билиши (ўзбекча-қорақалпоқча-русча), вариантларини солиштириб ўрганиш ҳам таълим сифатини оширади. Халқ мақоллари нафақат адабиёт дарсликларида, балки она тили дарсликларида ҳам кўпроқ келтирилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Зеро, мақоллар «яшаш қоидалари» сифатида ўқувчига оддий мисолга қараганда кўпроқ маълумот беради.

Хуллас, нуткий компетенцияни шакллантирувчи ўқув топшириқлари, хусусан, талаффуз машқлари масаласи бошқа тилларда етарлича ўрганилган. Жаҳон тажрибасида фонетик машқлардан унумли фойдаланилади. Олий мактаб ва ўрта умумтаълим макталари учун нашр этилган дарслик ва қўлланмаларда товушларнинг талаффуз ҳолати акс этган махсус чизма(расм)лар йўқ. Ўзбек тилига хос бўлган айрим товушларнинг тўғри талаффузини оддий анъанавий машқлар билан етарли даражада ўргатиб бўлмаслигини бугунги ўқувчи, талаба, ҳатто айрим катта ёшдаги кишилар, хусусан, ўқитувчиларнинг нутки ҳам исботлаб турибди. Топшириқлар мазмунини мамлакатимизнинг ҳамма билиши шарт бўлган маданий мерос ва қадриятларга доир ноёб матнлар билан бойитиш ўзбек тили дарсларини мазмунли бўлишига катта ҳисса қўшади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуи. –Т.: “Шарқ”, 1999, 13 -б.
2. Мирзохидова Х. Ўзбек мактабларида фонетикани қирғиз тилига қиёслаб ўрганиш. Пед. фан. номз. дисс. ТДПИ –Тошкент: 1998, 143-б.
3. Мухиддинова Х. Таълим босқичларида ўзбек тили ўқитилиши узлуксизлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш. Пед. ф. номз. дисс. – Тошкент: ТДПИ, 2011. 270-б.
4. Лернер И. Я. Дидактические основы методов обучения Текст. / И. Я. Лернер.–М.: Педагогика, 1981. –С.186с.
5. Ғуломов А., Неъматов Х. Она тили таълими мазмуни. Она тили ўқитувчилари учун қўлланма. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
6. Ҳамроев Ғ.Х. Фонетика ўқитишда халқ мақолларидан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида// Республика илмий конференцияси материаллари. -Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. 116-118-б.
7. Ҳамроев Ғ.Х. Фонетик машқлар – ўқувчиларда нуткий малакаларни шакллантирувчи муҳим восита// Республика илмий – амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ЎЗМУ нашри, 2013. 91-93-б.

РЕЗЮМЕ

Таълим мазмуни масаласи инсоният тарихида энг қадимий ва айни вақтда энг долзарб масалалардан бири саналади. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки инсонлар тараққиётнинг ҳамма давраларида ҳам «Нимани ўқитиш керак?» деган муҳим саволга ҳамиша жавоб излаб келган ва бу жараён давом этмоқда. Таълим мазмуни тушунчаси турлича талкин қилинади. Таълим мазмуни деганда ўрганиш учун танланган ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун методик жиҳатдан ишланган бой ижтимоий тажрибанинг бир қисми сифатида тушунилади, бошқа бир гуруҳ олимлар бу тушунча билан уни ўрганиш усулларини ҳам англайди.

РЕЗЮМЕ

Вопрос о содержании образования является одним из старейших и наиболее актуальных вопросов в истории человечества. Это естественно. Ответ на вопрос “Чему учить?” был и остаётся важным. Многие учёные считают, что содержание обучения это часть богатого социального опыта, выбранного для обучения и методически разработанного для обучения студентов, другая группа учёных исследует способы его изучения.

SUMMARY

The question of the content of education is one of the oldest and most relevant issues in human history. This is natural because at all stages of development people ask, “What to teach?”. The answer to this question has always been one of the important ones. While learning content is understood as part of a rich social experience chosen for learning and methodically designed for teaching students the other group of scholars investigates the ways of its study.